



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 21 yil “05.04”

№ 66

Toshkent sh.

**Болаларда COVID-19 коронавирус инфекциясининг ташхиси,  
даволаш ва профилактикаси вақтинчалик клиник тавсияни тасдиқлаш  
хақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–5590-сон Фармони ижросини таъминлаш, далилларга таянган тиббиёт ва халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган клиник тавсияларни амалиётга татбиқ этиш, шунингдек аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида **буюраман**:

1. Болаларда COVID-19 коронавирус инфекциясининг ташхиси, даволаш ва профилактикаси, вақтинчалик клиник тавсияси (кейинчалик – Клиник тавсия деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар бошқарма бошлиқлари 3 кун муддатда мазкур буйруқ билан тасдиқланган Клиник тавсияни тегишли тиббиёт муассасаларига етказилиши ва амалиётда кенг татбиқ этилишини ташкил этсин.

3. Корнавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус 1 ва 2-сон Зангиота шифохонаси раҳбарлари беморларни даволашда Клиник тавсияга тўлиқ амал қилинишини таъминласин.

4. Белгилансинки, COVID-19 коронавирус инфекциясини даволаш учун қўшимча равишда ташкил этиладиган вақтинчалик муассаса ва шифохоналарда ушбу Клиник тавсияларга тўлиқ амал қилинади.

5. Тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси (Б.Игамбердиев) ва унинг худудий бўлимларига режали ва режадан ташқари текширишларида иловага мувофиқ тасдиқланган Клиник тавсияни тиббиёт

муассасалар амалиётига татбиқ этилиши ва унга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклансин.

6. Ташкилий назорат, девонхона бошқармаси (Х. Таджиев) иловада тасдиқланган Клиник тавсияни 3 кун муддатда вазирлик веб-сайтига жойлаштириш чорасини кўрсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.Иноятов зиммасига юклансин.

**Вазир**

A handwritten signature in blue ink, consisting of several vertical strokes followed by a horizontal line and a series of loops.

**А. Хаджибаев**